

## V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ <sup>1)</sup>

**Фойда.** Ҳисобот маълумотларига кўра, 2020 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 978,8 млрд. сўм миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

2019 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойда ҳажми 239,6 млрд. сўм ёки 80,3 % га камайган.

### 2020 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари

	Фойда, зарар (-), млрд.сўм	2019 йилнинг январь-февралига нисбатан % да
<b>Жами</b>	<b>978,8</b>	<b>80,3</b>
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	0,05	59,5
Ишлаб чиқарадиган саноат	925,4	77,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	-23,1	-
Қурилиш	0,8	3,1 м.к
Савдо	71,5	178,8
Ташиш ва сақлаш	-10,96	-
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	0,26	37,3
Ахборот ва алоқа	-	-
Кўчмас мулк билан операциялар	4,34	71,7
Профessional, илмий ва техник фаолият	12,6	2,5 м.к
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	0,002	10,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1,09	173,8
Бошқалар	-3,2	-

Ижобий молиявий натижа (фойда) нинг асосий қисми ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарига - 925,4 млрд. сўмга, савдо корхоналарига - 71,5 млрд. сўмга, Кўчмас мулк билан операциялар - 4,34 млрд. сўмга тўғри келадиган бўлса.

<sup>1)</sup> Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

2020 йилнинг январь-февраль ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши Ўзбекнефтгаз АЖ (32,6 млрд. сўм), Ўзбекистон металлургия комбинати АЖ (22,6 млрд. сўм), Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси (9,5 млрд. сўм) таркибига кирувчи корхоналарга тўғри келди.

Фойданинг пасайиши Олмалик кон-металлургия комбинати АЖ 177,7 млрд. сўмга, Ўзкимёсаноат АЖ - 28,2 млрд. сўмга, Ўзавтосаноат АЖ - 27,9 млрд. сўмга юқоридаги вазирлик ва корхоналар таркибига кирувчи корхоналарда кузатилган.

### 2020 йилнинг январь-февраль ойларида ҳудудлар кесимида яқуний молиявий натижалари

	Фойда, зарар (-), млрд.сўм	2019 йилнинг январь-февралга нисбатан %да
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>978,8</b>	<b>80,3</b>
<i>шаҳарлар:</i>		
Нурафшон	6,5	4,9 м.к
Олмалик	754,3	79,1
Ангрен	-25,5	-
Бекобод	84,9	139
Оҳангарон	0,5	1,5 м.к
Чирчиқ	53,4	77,8
Янгийўл	2,1	35,6
<i>туманлар:</i>		
Оққўрғон	0,4	142,3
Оҳангарон	-7,1	-
Бекобод	0,4	53,6
Бўстонлик	5,9	57,3
Бўка	0,8	117,4
Зангиота	10,8	27,3
Қибрай	68,8	3,4 м.к
Қуйичирчиқ	0,0001	0,1 м.к
Паркент	0,5	74
Пискент	0,2	2,9 м.к
Ўртачирчиқ	2,1	23,2
Чиноз	2,1	91,5
Юқоричирчиқ	1,5	75,2
Янгийўл	2,3	20,9


	Фойда, зарар (-), млрд.сўм	2019 йилнинг январь-февралга нисбатан %да
Тошкент	14,0	85,6

Худудлар кесимида фойданинг асосий қисми Олмалик шаҳар 761,4 млрд. сўм (жами фойданинг 72,2 %), Бекобод шаҳар 84,9 млрд. сўм (8,0 %), Қибрай тумани 71,4 млрд. сўм(6,8 %), ва Чирчиқ шаҳар 64,1 млрд. сўм (6,1 %) га тўғри келади.

**Зарарлар.** 2020 йилнинг январь-февраль ойларида 40 та корхона ва ташкилотлар 76,3 млрд. сўм зарар билан фаолиятини якунлади.

Зарарнинг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги - 30,2 млрд. сўм (39,6 %), Ўзбекозиқовқатхолдинг ХК - 7,6 млрд. сўм (10,0 %), "Иссиклик электр станциялари" АЖ - 5,9 млрд. сўм (7,8 %) га юқоридаги вазирлик ва корхоналар таркибига кирувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келди.

**2020 йилнинг январь-февраль ойларида зарар кўрган корхона  
ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**  
(жамига нисбатан %да)




**2020 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича  
зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	Корхоналар	Зарар суммаси
--	------------	---------------

	<i>сон</i>	<i>млн.сўм</i>	<i>жамига нисбатан %да</i>
<b>Жами</b>	<b>40</b>	<b>76,3</b>	<b>100,0</b>
Ишлаб чиқарадиган саноат	13	18,5	24,3
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	5	38,5	50,5
Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш	14	3,6	4,7
ташиш ва сақлаш	3	11,0	14,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3	0,4	0,6
Давлат бошқаруви ва муҳофаа; мажбурий ижтимоий таъминот	1	0,2	0,3
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	1	4,0	5,2

**2020 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**  
(жамига нисбатан % да)



Зарарнинг асосий қисми электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш - 38,5 млрд. сўм (50,5 %) соҳасида юзага келган.

**2020 йилнинг январь-февраль ойларида ҳудудлар кесимида зарар кўрган  
корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар кўрган корхоналарнинг улуши, % да</i>	<i>Зарар суммаси, млн.сўм</i>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>40</b>	<b>100</b>	<b>76,3</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Олмалиқ	4	10,0	7,1
Ангрен	8	20,0	36,1
Оҳангарон	3	7,5	1,3
Чирчиқ	4	10,0	10,8
Янгийўл	3	7,5	1,2
<i>туманлар:</i>			
Оҳангарон	2	5,0	7,6
Бўстонлиқ	4	10,0	4,7
Қўйичирчиқ	1	2,5	0,02
Зангиота	2	5,0	0,1
Юқоричирчиқ	3	7,5	3,4
Қибрай	2	5,0	2,6
Паркент	1	2,5	0,001
Янгийўл	2	5,0	1,4
Тошкент	1	2,5	0,03

## Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати<sup>1)</sup>

2020 йил 1 март ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 8522,7 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтган - 217,2 млрд. сўм ёки жами қарздорликнинг 2,5 % ташкил этди.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2019 йилнинг 1 мартига нисбатан солиштирганимизда 181,0 % ни ташкил қилади, жами дебитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 143,0 % ташкил қилди.

Худудлар бўйича кўрилганда дебитор қарздорлиги юқори Нурафшон шаҳар 2611,1 млрд. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 30,6 %), Бекобод шаҳар 1636,8 млрд. сўм (19,2 %), Қибрай тумани 728,2 млрд. сўм (8,5 %), ва Олмалик шаҳар 677,1 млрд. сўм (7,9 %) га тўғри келди. Бунга қарама-қарши дебитор қарздорлик Бўка тумани 4,9 млрд. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 0,1 %), Пискент тумани 6,3 млрд. сўм (0,1 %) ва Бекобод тумани 9,0 млрд. сўм (0,1 %) да пастигини кўриш мумкин.

### 2020 йил 1 март ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби

	Жами, млрд. сўм	ундан:			Муддати ўтган қарздорликнинг улуши, %да
		харидор ва буюртмачилар	етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар	ички идоравий	
<b>Жами</b>	<b>217,2</b>	<b>196,0</b>	<b>2,4</b>	<b>207,4</b>	<b>100,0</b>
Ишлаб чиқарадиган sanoat	142,0	127,4	2,3	138,0	65,4

<sup>1)</sup> Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	18,4	18,4	-	18,4	8,5
Қурилиш	8,7	8,3	-	8,3	4,0
Кўчмас мулк билан операциялар	1,7	0,1	0,1	0,2	0,8
Бошқалар	46,5	41,8	-	42,5	21,4

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2020 йил 1 март ҳолатига жами дебитор қарздорлиги 4826,2 млрд. сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 56,6 % ини ташкил қилди.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг энг кўп дебитор қарздорлиги «Ўзтрансгаз» АЖ корхоналари - 2238,6 млрд. сўм (46,4 %), «Олмалик КМК» АЖ - 599,6 млрд. сўм (12,4 %), Ўзбекнефтгаз АЖ - 514,3 млрд. сўм. (10,7 %), "Иссиклик электр станциялари" АЖ - 424,6 млрд. сўм (8,8 %).

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг энг кўп дебитор қарздорликдаги ўсиши, «Ўзкимёсаноат» АЖ - 167,1 % (86,9 млрд. сўм), "Ўздонмахсулот" АК 3,1 м.к (56,3 млрд. сўм) кузатилди.

Дебитор қарздорлик "Худудий электр тармоқлари" АЖ - 53,7 % га (308,6 млрд. сўм), Олмалик кон-металлургия комбинати АЖ- 80,1 % га (149,3 млрд. сўм) камайган.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича етарлича тизимли ишлар ташкиллаштирилмаганлиги натижасида, муддати ўтган дебитор қарздорликнинг юқори суръатда ўсиши сақланиб қолинмоқда.

2020 йил 1 март ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 9287,5 млрд. сўм, ундан муддати ўтган - 285,7 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 3,1 % ни ташкил этди.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик 2019 йилнинг 1 мартига нисбатан солиштирганимизда 201,8 % ни ташкил қилади, жами кредитор қарздорлик ўтган

йилга нисбатан 147,5 % ни ташкил қилди.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2020 йил 1 март ҳолатига жами кредитор қарздорлиги 5075,3 млрд. сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 54,6 % ни ташкил қилади, шу жумладан муддати ўтган - 89,0 млрд. сўм ёки мос равишда 31,2 %.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик ҳажми 144,1 млрд сўмга кўпайди, шу жумладан «Ўзкимёсаноат» АЖ - 84,4 млрд сўмга кўпайиб, вилоят бўйича жами муддати ўтган кредитор қарздорликнинг 29,5 % ташкил этади.

**2020 йил 1 март ҳолатига вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги**  
(жамига нисбатан % да)



**2020 йил 1 март ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби**

Жами, млрд. сўм	ундан:				Мудда- ти ўтган қарздорлик- нинг улуши, %да
	етказиб берувчи лар ва пудрат- чиларга	Бюд- жетга тўлов- лар	давлат мақсадли фондларига тўловлар	ички идора- вий	



	Жами, млрд. сўм	ундан:				Мудда- ти ўтган қарздорлик- нинг улуши, %да
		етказиб берувчи лар ва пудрат- чиларга	Бюд- жетга тўлов- лар	давлат мақсадли фондларига тўловлар	ички идора- вий	
<b>Жами</b>	<b>285,7</b>	<b>241,1</b>	<b>-</b>	<b>2,5</b>	<b>18,1</b>	<b>100,0</b>
Ишлаб чиқарадиган саноат	89,0	53,8	-	-	18,1	31,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	192,0	187,2	-	2,5	-	67,2
Ташиш ва сақлаш	0,2	-	-	-	-	0,1
бошқалар	4,5	-	-	-	-	1,6

**Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг  
дебиторликка нисбатан ошиши**

	Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши	
	млрд. сўм	дебиторга нисбатан % да
"Иссиқлик электр станциялари" АЖ	531,9	2,2 м.к
Ўзавтосаноат АЖ	426,4	2,9 м.к
Ўзбекистон темир йўллари АЖ	107,2	2,4 м.к
Ўзпахтасаноат АЖ	131,2	2,9 м.к
Олмалиқ кон-металлургия комбинати АЖ	1097,0	2,8 м.к

Жами кредитор қарздорликнинг дебитордан ошиши "Иссиқлик электр станциялари" АЖ 531,9 млрд. сўмга (2,2 м), Ўзавтосаноат АЖ - 426,4 млрд. сўмга (2,9 м), Ўзбекистон темир йўллари АЖ - 107,2 млрд. сўмга (2,4 м), Ўзпахтасаноат АЖ - 131,2 млрд. сўмга (2,9 м), Олмалиқ кон-металлургия комбинати АЖ - 1097,0 млрд. сўмга (2,8 м) ни ташкил қилади. Бу корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

Худудлар бўйича кўрилганда юқори кредитор қарздорлик Олмалиқ шаҳар 1970,5 млрд. сўм (21,2 %), Ангрен шаҳар 1034,4 млрд. сўм (11,1 %) ва Бекобод шаҳар

1033,6 млрд. сўм (11,1 %) га тўғри келди. Бунга қарама-қарши кредитор қарздорликнинг Пискент тумани 14,6 млрд. сўм (0,2 %), Паркент тумани 17,1 млрд. сўм (0,2 %) ва Бўка туманида 20,5 млрд. сўм (0,2 %) пастлигини кўриш мумкин.